



**ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI ADLIYA VAZIRINING
БУЙРУҒИ**

**Нотариуслар томонидан амалга ошириладиган ҳуқуқий ва техник тусдаги
қўшимча ҳаракатлар учун ундириладиган тўловларнинг максимал миқдорларига
ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикасининг “Нотариат тўғрисида”ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 13 апрелдаги ПҚ–3666-сон “Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги фаолиятини янада такомиллаштиришга доир ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 16 мартдаги 156-сон “Нодавлат нотариал фаолиятни тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида”ги ҳамда 2023 йил 27 ноябрдаги 626-сон “Мол-мулкни бошқа шахсга ўтказиш учун қўйилган тақиқларни (хатловларни) бекор қилиш жараёнларининг соддалаштирилиши муносабати билан Бошқа шахсга ўтказиш тақиқлаб ёки хатлаб қўйилган мол-мулклар электрон маълумотлар банкни шакллантириш, юритиш ва ундан фойдаланиш тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш тўғрисида”ги қарорларига мувофиқ **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2020 йил 29 майдаги 112-мх-сон буйруғи (рўйхат рақами 3235, 2020 йил 29 май) (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 29.05.2020 й., 10/20/3235/0698-сон) билан тасдиқланган Нотариуслар томонидан амалга ошириладиган ҳуқуқий ва техник тусдаги қўшимча ҳаракатлар учун ундириладиган тўловларнинг максимал миқдорларига иловага мувофиқ ўзгартиришлар ва қўшимча киритилсин.

2. Ушбу буйруқ Ўзбекистон Республикаси Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш қўмитаси билан келишилган.

3. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Vazir

Тошкент ш.
2024 йил 1 февраль,
5-мх-сон



Tashkulov A. D.

Келишилди:

Раис ўринбосари



Тошкент ш.
2024 йил 29 январь,

Qayumov A. U.

Ўзбекистон Республикаси
адлия вазирининг
2024 йил 1 февралдаги
5-мх-сон буйруғига
ИЛОВА

Нотариуслар томонидан амалга ошириладиган ҳуқуқий ва техник тусдаги қўшимча ҳаракатлар учун ундириладиган тўловларнинг максимал миқдорларига киритилаётган ўзгартиришлар ва қўшимча

1. 21-позиция қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“

21.	Нотариал ҳаракатни масофадан туриб расмийлаштиришда видеоконференцалоқа хизматини кўрсатиш	30%
-----	--	-----

”.

2. Қуйидаги мазмундаги 28-позиция билан тўлдирилсин:

“

28.	Мол-мулкка қўйилган тақиқни (хатловни) бекор қилиш ёки бекор қилинганлиги тўғрисидаги маълумотларни Бошқа шахсга ўтказиш тақиқлаб ёки хатлаб қўйилган мол-мулклар электрон маълумотлар банкига киритиш (ҳар бир мулк учун)	5%
-----	--	----

”.

3. Изоҳнинг олтинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“*** Мазкур ҳақ миқдорларининг 27-бандида назарда тутилган максимал ҳақ миқдорининг 50 фоизи ҳамда 21-бандида назарда тутилган максимал ҳақ миқдорининг 10 фоизи “Адлия органлари ва муассасаларида ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш маркази” давлат муассасаси ҳисоб рақамига вазирлик ахборот тизимларини ривожлантириш учун йўналтирилади.”.